



NAMKORBANK

Банкнинг ички меъёрий ҳужжати

«Namkorbank» АТБ нинг Корпоратив этика

Кодекси

Рўйхат рақами:

15-3/6 КНД

Рўйхатга олинган сана:

10.09.2021

Қабул қилган банк бошқарув органи:

Банк Бошқаруви

Қабул қилган ҳужжат:

Кенгаш қарори

Рақами ва санаси:

34-сонли, 10.09.2021 йил

Андижон – 2021 йил



“Hamkorbank” ATB Kenqashining 2021 йил “10.09.2024” 34 сонли qaroriga
shlova

«Hamkorbank» ATBning Korporativ etika Kodeksi

- 1-боб. Умумий қондалар
- 2-боб. Kodeksни қўллаш доираси
- 3-боб. Банкнинг миссияси ва кадриятлари
- 4-боб. Ташқи ўзаро муносабатлар
- 5-боб. Ички ўзаро муносабатлар
- 6-боб. Одоб-ахлоқ тамойиллари
- 7-боб. Ахборотдан фойдаланиш
- 8-боб. Kodeксга риоя этилишини назорат қилиш тизими
- 9-боб. Яқуний қондалар



1-боб. Умумий қондалар

1. Мазкур Kodeкс Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”ги Низоми (рўйхат рақами 3254/30.06.2020 йил) «Hamkorbank» ATB Устави ва бошқа меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатларга асосан ишлаб чиқилган.

2. Корпоратив этика кодекси бу банкнинг миссияси, корпоратив кадриятлари, шунингдек, умумэтироф этилган халқаро ахлоқ қондалари ва ҳуқуқ меъёрлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосланган банкда ўзини тутиш ва бизнесни юритишнинг энг муҳим қонун – қондалари мажмуасидир.

3. Корпоратив этика Kodeksининг мақсади «Hamkorbank» ATB (кейинги ўринларда - банк) фаолиятининг стандартлари ва тамойилларини ҳамда ходимларнинг хизмат кўрсатиш сифати, банк самарадорлиги ва молиявий барқарорлигини оширишга йўналтирилган этикаси (корпоратив маданияти, одоб-ахлоқи, феъл - атвори, хатти-ҳаракати)ни белгилашдан иборат.

4. Мазкур Kodeкснинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

меҳнат жамоасида банк фаолиятининг барча иштирокчилари - мижозлар, акциядорлар, ҳамкорлар, контрагентлар, инвесторлар, рақобатчилар, давлат идоралари ва жамият билан ўзаро муносабатларга киришишга оид талабларни ўрнатиш;

Кенгаш аъзолари ва банк ходимларининг, шу жумладан Бошқарув аъзоларининг қонун-қоида чегарасидан чиқмаслигини таъминлаш ва улар томонидан фаолиятнинг барча иштирокчилари олдида ўз хизмат вазифаларини бажаришлари учун шахсий масъулиятни ҳис этиши, банк миссиясини амалга оширишда ўз ўрнини англашини таъминлаш;

мижозлар, акциядорлар, ҳамкорлар ва банк ходимлари манфаатларини ҳимоя қилиш.

5. Банкнинг барча ҳужжатлари, шу жумладан мижозлар, ҳамкорлар, давлат ҳокимияти идоралари, рақобатчилар ва банк ходимлари билан муносабатларни

расмийлаштирадиган ҳужжатлар мазкур Кодекснинг қоидаларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

6. Мазкур Кодекс ҳар кунлик иш амалиётини тартибга солувчи, ҳамма учун мажбурий бўлган одоб - ахлоқ қоидаларини ўз ичига олади ва лавозимидан қатъи назар, Кенгаш аъзолари ҳамда барча ходимларга, шу жумладан, Бошқарув аъзолари (кейинги ўринларда – банк ходимлари) га ҳам тааллуқли.

7. Банк кенг қўламдаги хизмат кўрсатиш тармоғига, шўъба корхоналарига эга. Банк ва унинг тузилмаларини Банкнинг миссияси ва корпоратив қадриятлари ўзаро бирлаштириб туради. Банк, унинг тармоқлари (филиаллари, бўлинмалари, банк хизматлари офислари ва бошқалар) шунингдек, шўъба ва бошқа тузилмалари ходимлари Банк имижини сақлаб туришга масъул ҳисобланадилар.

8. Банкнинг шўъба ва бошқа тузилмалари мазкур Кодекс ва мамлакат қонунчилиги асосида ўз этика кодексларини ишлаб чиқади.

9. Банк ўз ҳамкорлари, контрагентлари, мижозлари ва фаолиятнинг бошқа иштирокчилари банк томонидан қабул қилинган этика стандартларига амал қилиш тажрибасини маъқуллайди.

2-боб. Кодексни қўллаш доираси

10. Кодекс ижросини таъминлаш учун банк масъуллари рўйхати:

Банк Кенгаши;
банк Бошқаруви;
Бош банк Корпоратив этика комиссияси;
филиаллар корпоратив этика комиссияси;
Ходимларни бошқариш департаменти;
Комплаенс назорат департаменти;
банкнинг барча ходимлари.



11. Банк ҳар бир ходимнинг юқори ахлоқли ва маданиятли бўлишига ва уларнинг муайян вазиятнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, фақатгина чуқур англаб етган қарорлар қабул қилишига ишонади.

12. Банкнинг барча ходимлари банк фаолиятига оид муаммоларни, Кодексга амал қилмаслик, манфаатлар тўқнашуви ва қонунбузилишлар, суистеъмолчилик, таъмагирлик ҳолатларини раҳбариятга етказиш заруриятини ҳис этишлари шарт.

13. Агар ходимга Кодекс қоидаларининг жиддий бузилиш ҳолатлари, банк учун йўқотишларга олиб келиши мумкин бўлган таваккалчиликларнинг мавжудлиги маълум бўлиб қолса, у зудлик билан бу ҳақда бевосита раҳбарига ва Банкнинг COMPLAENS назорат департаменти ходимига хабар бериши лозим.

Банк ходимига раҳбар ходимлар томонидан ноқонуний, номақбул ёки шубҳали ҳатти-ҳаракатлари маълум бўлиб қолса, у зудлик билан COMPLAENS назорат департаментига хабар бериши лозим.

Тартиб-қоида бузилишлари ҳақидаги барча хабарлар махфий бўлиб ҳисобланади, ходимлар ушбу ҳолатлар ҳақида шахсини ошкор этмаган ҳолда хабар етказишга ҳақлидир.

14. Банк томонидан ходимларни ўзига маълум бўлиб қолган тартиб-интизом бузилишлари ҳақида виждонан ва ҳаққоний хабар берган ҳолларда, уларга ҳеч қандай зарар етмаслиги қафолатланади. Бундай хабарлар исталган кўринишда, жумладан шахси ошкор этилмаган, ёзма ҳисобот шаклида ҳам жўнатилиши мумкин.

15. Қуйидаги ҳолларда ходим ёрдам сўраб мурожаат қилиши лозим бўлади, агар: юзага келган вазиятда қандай ҳаракат қилишни мустақил равишда белгилай олмаса; тегишли қонунлар ёки касбий амалиёт қоидалари унга мураккаб бўлиб туюлса; бундай масалаларни ҳал қилишдаги тажрибаси етарли бўлмаса; ноаниқ вазиятга тушиб қолса ва у йўл-йўриқ кўрсатилишига эҳтиёж сезса.

16. Банк ходими бир нарсани ёдда тутиши лозим - таваккал қилиб, нотўғри қарор қабул қилгандан кўра, шу масала бўйича бевосита раҳбари ёки малакали банк мутахассисларидан сўраб билиб олгани маъкул.

3-боб. Банк миссияси ва кадриятлар

17. **Банк миссияси** – профессионал жамоа билан мижозлар муваффақиятга эришишларида ишончли ҳамкор бўлиш.

18. **Корпоратив кадриятлар** – турли вазиятларда тўғри қарорлар қабул қилиш асослари, булар:

а) мижозларга мослашиш:

мижозлар - банкнинг асосий кадрияти, банк мижозларга нисбатан самимий муносабатда, хайрихоҳ ва уларни безор қилишдан йирок;

мижозлар вақтини беҳуда йўқотмаслиги керак, шу сабаб банк технологияларни ривожлантиради. Мижозга янада яқинроқ бўлиш мақсадида хизмат кўрсатиш тармоқларини янада кенгайтиради;

мижоз ҳамиша ҳақ, мижоз учун муҳим бўлган ҳар қандай кадрият банк учун ҳам муҳимдир.

мижознинг кўрсатилаётган хизмат сифатидан қониқиш ҳосил қилиши учун банк унинг талаб-эҳтиёжларини олдиндан кўра билиш ва уларни мижоз хоҳлаганданидан зиёдроқ бажаришга ҳаракат қилади, бажариб бўлмайдиган ваъдаларни бермайди;

б) жамоада ишлаш:

банк ходимлари - бизнес самарадорлиги борасида ягона мақсадни кўзлаган, етарли маълумот ва пухта билимга эга бўлган мутахассислардан иборат жамоа;

банк ходимлари шахсий ва касбий ўсишни мақсад қилиб, фаол турмуш тарзини олиб боради;

банк ходимлари – малакали мутахассислар. Банк улар салоҳиятини ўрганиб боради ва янада ривожлантириш чораларини кўради;

банк ходимлари ўз келажагига ишонч билан қарашади, банк уларни кадрлайди ва уларга ғамхўрлик кўрсатади;

банк ходимлари ҳамкасбларига ҳурмат билан муносабатда бўлади, бир-бирига ёрдам беришга интилади;

в) ишонч ва масъулият:

банк белгиланган қонунчиликка амал қилади ва фаолият хавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган чораларни кўради;

банк ҳамкорлар билан ишлашда ўзаро ҳурмат, ҳалоллик ва ошкораликка асосланади;

банк ўз зиммасига олган мажбуриятларини сидқидилдан бажаради;

банк таваккалчиликларга оқилона ёндашган ҳолда, юқори фойдалилик кўрсаткичларга интилади;

банк тадбиркорликни ривожлантиришга мамлакат ҳудудларининг ижтимоий - иқтисодий ўсишини кўзда тутган ҳолда, фаол тарзда сармоя киритади;

банк мамлакат молия тизимининг ривожланиши ва муваффақияти учун негиз бўлиб ҳисобланади.

4-боб. Ташқи ўзаро муносабатлар

1-§. Мижозлар билан ўзаро муносабатлар

19. Банк мижозларга ўзаро манфаатли ва ҳамкорликка асосланган сифатли хизматларни қонуний тарзда тақдим этишга интилади.

20. Банкнинг барча ходимлари мижозлар билан боғлиқ ва улар билан бевосита боғлиқ бўлмаган соҳалардаги ишларни сифатли бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.



21. Банк аҳолининг барча қатламлари, шунингдек, халқ хўжалигининг турли тармоқларида ўз мижозлари бўлишини хоҳлайди. Банк ҳар бир мижозининг манфаатларини ҳимоя қилади, уларнинг сиёсий, диний, миллий ва бошқа қарашлари туфайли камситилишига йўл қўймайди.

22. Ҳар бир ходим мижозга берилган ваъдани бажаришга интилади, банк номига билдирилган мурожаат, танқидий фикр, шикоят ва эътирозларни диққат билан кўриб чиқади ва ўз муносабатини билдиради.

23. Банк ходими ўз ишининг натижалари учун шахсий жавобгарликни зиммасига олади, хатоларини эътироф этади, сабоқлар чиқаради, мижозларга тўғри ва зарур маслаҳатлар беради ва уларни юзага келиши мумкин бўлган таваккалчиликлардан хабардор қилади.

24. Банк ўз мижозларига тизимдаги ўзгаришлар, янгилик ва имкониятлар ҳақида ўз вақтида ва тўлиқ ахборот бериб боради, хизматнинг янги, муқобил вариантларини тақдим этади. Банк томонидан мижозга бериладиган ахборотнинг тўлиқлиги, ҳажми ва таркиби ҳамда тўғрилигига жиддий эътибор қаратилади.

25. Банк мижозлар билан муносабатларда, жумладан муаммоли активлар билан ишлашда ички меъёрий ҳужжатларда белгиланган қоидалар ва стандартлар асосида иш юритади.

26. Банк ходимлари мижоз ҳақидаги маълумотларни махфий сақланишини таъминлайди. Ушбу маълумотлардан фойдаланиш масаласи тегишли ваколатлар ҳамда амалдаги қонунчилиги билан чекланади.

2-§. Ҳамкорлар ва контрагентлар билан ўзаро муносабатлар

27. Банк ҳамкорлар ва контрагентлар билан муносабатларни ҳалоллик, касбий маҳорат, виждонлилик, ўзаро ишонч ва ҳурмат каби тамойиллар асосида олиб боради.

28. Банк қонунчиликка асосланган зарур маълумотларни тўлиқ ва шаффоф ҳолда ошкор этишга интилади, мижоз манфаатларининг устунлиги, мажбуриятларнинг бузилмаслиги, суд муҳокамаси чоғида музокараларнинг устувор туриши тамойилларига асосланади.

29. Банк ходимлари ҳамкорлар ва контрагентлар учун ҳар қандай таваккалчиликларни камайтириш учун барча саъй-ҳаракатларни амалга оширишади.

30. Банк махфий ахборотнинг сақланишини таъминлайди ва бундай ахборотнинг ҳамкорлари ва контрагентлари томонидан ҳам ошкор этилмаслигига ишонч билдиради.

3-§. Акциядорлар билан ўзаро муносабатлар

31. Акцияларнинг (улушларнинг) миқдори қанча бўлишидан қатъи назар, қонунчиликка мувофиқ ва корпоратив бошқарув тамойилларига асосан банк акциядорларнинг қонуний ҳуқуқлари таъминланишини кафолатлайди.

32. Банк тизимни бошқариш органлари фаолиятининг юқори даражадаги шаффофлигини таъминлайди, қонунчиликда белгиланган тартибда акциядорларнинг банк фаолияти ҳақидаги ахборотдан тўсиқларсиз фойдаланишига шароитлар яратиб беради.

33. Банкнинг барча ҳаракатлари акциядорлик капиталининг сақланиши ва кўпайтирилишига қаратилган. Банк узоқ ва қисқа муддатли мақсадлар ўртасидаги мувозанатни сақлаган ҳолда барқарор ривожланишга ва режалаштирилган фойдалиликка интилади.

34. Банк таваккалчиликларни бошқариш сиёсатини қўллашда хушёрликни сақлайди, ўз операциялари ва самарадорлик бўйича ахборотларда очиқ ва ростгўйликка, актив ҳамда ресурслари билан муомала қилишда эҳтиёткорликка амал қилади.



35. Банкнинг ҳокимият, ўз-ўзини бошқариш органлари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари, ҳамда банк назорати идоралари билан муносабатлари қонунчиликка амал қилиш, шаффофлик ва ҳамкорлик тамойилларига асосланган.

Банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қонун доирасида қўлланилган чораларига риоя қилади.

36. Банк ходимлари хушмуомала ва профессионал бўлиши ва фақатгина Банкнинг қонуний манфаатларини ифодалаши лозим, текширувлар ўтказилганда, ваколатли идоралар фаолиятига аралашиб, тўсқинлик қилмасликлари керак.

37. Банк сиёсий партиялар ва бирлашмаларга нисбатан нейтраллик тамойилига риоя қилади, банк ўз фаолиятини миқозлар ва акциядорлар манфаатлари йўлида олиб боради.

5-§. Рақобатчилар билан ўзаро муносабатлар

38. Банкнинг рақобатчилари билан муносабатлари ҳалоллик ва ўзаро ҳурмат тамойилларига асосланади.

39. Банк бошқа кредит ташкилотларига нисбатан ижобий муносабатда бўлади, улар фаолиятини асоссиз равишда танқид қилишдан ва уларнинг ишчанлик обрўсига зарар етказувчи ҳаракатлардан ўзини тийиб туради.

40. Банк эркин рақобатни қўллаб-қувватлайди, мамлакат иқтисодиёти ва фуқароларнинг фаровонлиги йўлида рақобатчилар билан сидқидилдан муносабатда бўлиш зарур, деб ҳисоблайди.

41. Банк рақобатчилар ҳақидаги ахборотни фақатгина қонунийлик ва этика шартларидан келиб чиққан ҳолда йиғади ва ундан фойдаланади.

42. Рақобатчилар билан тушунмовчилик ва можаролар юзага келганда, музокаралар ва муаммони ўзаро манфаатли тарзда ҳал қилишни афзал деб билади.

5-боб. Ички ўзаро муносабатлар

1-§. Тенг имкониятлар

43. Иш берувчи - банк барчага тенг имкониятларни тақдим этилади, ходимларига нисбатан улар ишга қабул қилинаётганда, иш ҳақи тўланаётганда, лавозим бўйича кўтарилаётганда, уларнинг жинси, ёши, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ ҳолати ва мансаб мавқеи, динга бўлган муносабати, жамоат бирлашмаларига мансублигидан қатъий назар, меҳнатга оид муносабатлар соҳасида ҳар қандай чеклашларга ёки имтиёзлар белгилашга йўл қўйилмайди ва булар камситиш деб ҳисобланади.

2-§. Иш муҳити

44. Банк ходимларнинг касбий ўсиши, ижтимоий фаровонлиги ортиши учун барча зарур шароитларни яратиб беради. Ўзининг узоқ муддатли, барқарор ривожланишининг асоси сифатида кадрларга оид салоҳиятини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришни, биргаликда самарали иш ташкил этишни кўзда тутди.

45. Банкда корпоратив маданиятни такомиллаштириш ҳаракати ходимларнинг жавобгарлиги ва мустақиллигини ошириш, ҳар бир ходимда банк миссияси ва унинг олдида турган стратегик вазифалар, қонун бузилиш ҳолатларига қарши турувчи муҳитни шакллантиришга дахлдорлик ҳиссини уйғотишга йўналтирилган.

46. Банк бирон шахс томонидан бошқа шахсга зўравонлик ўтказилиши ёки зўравонлик билан таҳдид солинишига мурасасиз бўлади. Банк ходимлари қарорлар қабул қилишда ишончсизликка сабаб бўладиган, иш муҳити ва сифатига путур етказадиган, касб маҳоратига зид бўлган хатти-ҳаракатлардан ўзини тийиши лозим. Иш жойида ходимнинг самарали ишлашига ҳалал берувчи, хавотирланишига сабаб бўлувчи салбий ва ёки низоли



муҳитни юзага келтирувчи жисмоний, оғзаки ва бошқа салбий хулқ-атворлар ҳам шулар жумласидандир.

47. Кенгаш, бошқарув ва бошқа ходимларнинг хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда шахсий устунликни қўлга киритиш ёки бундай устунликни учинчи шахсларга тақдим этиш учун фойдаланиш тақиқланади.

48. Меҳнат вазифаларини амалга ошириш ва ёки меҳнат жамоаси ичидаги муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи можароли вазиятлар юзага келганда ёки юзага келтиришга таҳдид солинаётганда, банк ходими бу ҳақда Ходимларни бошқариш департаменти, Компаенс назорат департаменти ёки Корпоратив этика комиссиясини хабардор қилади.

3-§. Хавфсизлик

49. Банк ходимларнинг саломатлигини, меҳнати ва хавфсизлигини муҳофаза қилиш бўйича зарур чораларни кўради.

50. Банк ходими техника хавфсизлиги, санитария-гигиена, бино-иншоотларга кириш қоидаларига риоя қилишга, иш билан боғлиқ барча жароҳатлар ва хасталиклар ҳақида раҳбариятга зудлик билан хабар беришга, шунингдек меҳнат сафарларида хавфсизлик йўриқномаларига амал қилишга мажбурдир.

51. Банк ходимларига ўз хизмат вазифасини бажариш вақтида, алкоголь ва гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишни, шунингдек дори-дармон воситаларидан нотўғри фойдаланишни тақиқлайди. Зеро, уларни истеъмол қилиш ходимнинг соғлиғини ёмонлаштиради, ўз вазифасини бажариш қобилиятини пасайтиради, айти чоғда банкнинг бошқа ходимлари ва миждозларнинг хавфсизлигига ҳамда банкнинг имиджига таҳдид солади.

52. Банк ходимларига қимор ва таваккалчиликка асосланган ўйинларни ташкил этиш, ўтказиш ва ҳар қандай шаклда иштирок этишни тақиқлайди.

4-§. Ходим шахсий маълумотларининг дахлсизлиги

53. Банк ходимларнинг ҳар қандай шаклдаги шахсий маълумотлари дахлсизлигини таъминлашга ва ҳимоя қилишга интилади ҳамда бундай маълумотларни ғаразли мақсадда ва ноқонуний фойдаланиш, ўзгартириш, ошкор этиш ёки йўқ қилишдан сақланиш учун зарур чораларни кўради.

54. Банк томонидан қайта ишланадиган шахсий маълумотдан фойдаланиш ҳуқуқи бундай ахборотдан фойдаланиш учун рухсат факат лавозим йўриқномаларида белгилаб қўйилган ходимларгагина берилади.

5-§. Банк махфий ахборотларини ҳимоя қилиш

55. Банк ходимлари, қонунчиликка ва банкнинг ҳужжатларини сақлаш бўйича ички меъёрий ҳужжатларга мувофиқ махфий ахборотдан фойдаланишни ва тегишли тарзда сақлашни таъминлайдилар.

56. Суд даъвоси («суд жараёни»)да муҳим далил бўлиб ҳисобланган ҳужжатлар суд жараёни бошланганидан сўнг ёки Банк томонидан чақирув қоғози ёки масалага алоқадор бўлган сўровнома олинганидан сўнг сақланади. Бундай ҳужжатлар, агар Банк ходимларида бундай далиллар бўлажак суд жараёнига алоқадор бўлиши мумкинлиги ҳақида асосли тахминлари мавжуд бўлса, суд жараёни бошланишидан аввал ҳам сақланиши лозим.

57. Банк ходимлари томонидан оммавий ахборот воситаларида Банкка зарар етказилиши мумкин бўлган асоссиз баёнотлар беришларига йўл қўйилмайди. Банк ҳақидаги ахборотнинг жамоатчилик фойдаланадиган ресурслар - интернет тармоғи, шу жумладан ижтимоий тармоқларга тақдим этиш ва жойлаштириш банкнинг Ахборот сиёсатида ва ички меъёрий ҳужжатларида белгиланган қоидалар билан тартибга солинади.



6-§. Банк ходимларининг бошқа фаолиятлари

58. Банк ходими бошқа ишга таклиф этилган ва таклифга рози бўлган ҳолларда, зудлик билан бу ҳақда бевосита раҳбарини хабардор қилиши лозим.

59. Банк ходимлари раҳбариятни хабардор қилмай туриб, жамоатчилик ва тадбиркорлик фаолиятида иштирок этмасликлари керак.

60. Ходимлар қонун доирасида мамлакатимизда ташкил этилган ва фаолият олиб бораётган сиёсий партиялар, ассоциациялар ва бирлашмалар аъзоси сифатида ўз фаолликларини намоён қилишлари мумкин. Бироқ, бундай фаоллик Банкнинг манфаатлари ва меҳнат мажбуриятларига зид тарзда амалга оширилмаслиги керак

7-§. Корпоратив услуб

61. Банк имижи умумий мақсадлар ва вазифаларга эришишда муҳим омил бўлиб ҳисобланади ва юқори даражада самарадорлик билан қўлланилиши лозим.

62. Банк ходими мулоқот даражаси, тури ва усулидан қатъи назар, хушмуомала, хайрихоҳ, ҳозиржавоб бўлиши лозим. Ходим миждозлар, иш бўйича ҳамкорлар ва бошқа шахслар томонидан қўпол муомалада бўлиш ҳолатларига сабр билан муносабат билдиради. Бунда ходим биронтасини ҳақорат қилиш ёки инсон шахсиятини камситиш ҳуқуқи йўқлигини инобатга олган, обрў ва кадр-қимматини саклаган ҳолда ҳамкасби ва миждозига хушмуомалалик билан танқидий фикр билдиришга ҳақли.

63. Банк ходими меҳнат интизомига сўзсиз амал қилади. Юзага келган вазият интизом бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ҳолларда ходим бу ҳақда бевосита раҳбарини хабардор қилади. Ходим бундай ҳолатлар содир бўлмаслигига интилади.

64. Банк ходими Банк имижига мувофиқ келадиган ва Банкнинг ички ҳужжатларида белгилангандек кийиниши шарт. Унинг ташқи кўриниши тартибсиз, ёқимсиз ёки пала-партиш бўлмаслиги керак.

65. Банк ходимининг кийинишда иш услубига риоя қилмаслиги меҳнат интизомининг бузилиши ҳисобланади.

6-боб. Одоб-ахлоқ тамойиллари

1-§. Манфаатлар тўқнашуви

66. Банк ва қуйидаги шахслар ўртасида ўзаро муносабатлар ва алоқалар натижасида манфаатлар тўқнашуви вужудга келиши мумкин:

- банк миждозлари;
- банк акциядорлари;
- Кенгаш аъзолари
- Бошқарув аъзолари;
- банк ходимлари;
- банкка алоқадор шахслар;

бошқа манфаатдор томонлар (омонатчилар, кредиторлар ва банкдан манфаатдор бўлган бошқа шахслар), шу жумладан охириги бенефициар мулкдорлар.

Банкнинг манфаатлар тўқнашувига оид сиёсати алоҳида ички меъёрий ҳужжат билан белгилаб берилади.

67. Ходимлар банкка нисбатан ҳаракатлари ҳолислигига шахсий манфаати ёки бошқа шахсларнинг таъсир қилишига йўл қўймасликлари зарур.

68. Банк баҳс ва низоларни тартибга солишда ўзининг бошқариш органлари ваколатларини аниқ чегаралаб қўяди. Бунда манфаатлари дахлдор бўлган ёки дахлдор бўлиши мумкин бўлган шахслар низони тартибга солиш бўйича қарорни қабул қилишда иштирок этмасликлари ёки қарорни қабул қилишга ҳар қандай шаклда таъсир ўтказмасликлари лозим.



69. Манфаатлар тўқнашуви вужудга келганида ёки юзага келиши мумкин бўлган ҳолатлар банкнинг Комплаенс назорати департаментига етказилиши лозим. Мазкур тузилма манфаатлар тўқнашуви ҳақиқатда мавжудлиги ва қандай чоралар кўриш зарурлигини аниқлайди.

2-§. Коррупцияга қарши курашиш

70. Банк порахўрлик ва коррупциянинг ҳар қандай кўринишини инкор этади.

71. Банк ходимлар, мижозлар ёки банк билан ҳамкорлик қилувчи учинчи шахслар бирор ҳаракатни амалга ошириш ёки тезлаштириш учун банкнинг ходимларини, хусусан банк Кенгаши, Бошқаруви аъзоларини ҳамда муҳим аҳамиятга эга ходимларини рағбатлантиришни тақиқлайди.

72. Банк мижозлар, контрагентлар ва ҳамкорлар билан бир тарафга устунлик берувчи ва/ёки шартнома шартларининг қонунийлигини бузадиган, шартномага асосланмаган муносабатлар олиб боришни тақиқлайди.

73. Банкни коррупцияга курашиш механизми банк ички меъёрий ҳужжатлари билан тартибга солинади.

3-§. Совғалар алмашиш ва вакиллик ҳаражатлари

74. Банк ходимларига банк фаолияти билан боғлиқ ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлик учун мижозлар ёки учинчи шахслардан пул маблағлари, ҳар қандай кўринишдаги совғалар, таклифлар ёки хизматларни қабул қилиш тақиқланади.

75. Банк пул кўринишидаги совғаларни бериш ва қабул қилишни тақиқлайди, бошқа кўринишдаги совғалар ва таклифларни қабул қилиш қатъий қоидалар билан тартибга солинади.

76. Банк мижозлар ва контрагентлар билан ҳамкорлик муносабатлари ривожланишини маъқуллайди ва иш амалиётига мувофиқ келадиган корпоратив совғалар алмашишга, хизмат учрашувларини ташкил этишга рухсат этади. Банк ходимлари мижозлар ёки ҳамкорлар билан ўзаро муносабатларни ўрнатиш учун ўз ваколати доирасида вакиллик ҳаражатларидан фойдаланишлари мумкин.

4-§. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш

77. Банк ноқонуний бизнес юритмайди, жиноий даромадларни легаллаштириш, терроризмни ва оммавий қирғин қуролни тарқатишни молиялаштириш ёки фирибгарликлар ҳам шулар жумласидан. Банк «бошпана-банк»лар («shellbanks») билан ҳеч қандай муносабатларга киришмайди.

78. Банкдан ёки банк хизматларидан жиноий даромадларни легаллаштириш механизми сифатида фойдаланиш банк ишчанлик обрўсига зарар етказувчи ҳолат, деб қабул қилинади ва жиддий санкцияларни қўллашга сабаб бўлади. Бунда банк жиноий даромадларни легаллаштиришга, терроризмни ва оммавий қирғин қуролни тарқатишни молиялаштиришга қарши халқаро ҳамкорликни тўлалигича қўллаб-қувватлайди ва бу соҳада энг қатъий чораларни кўради.

79. Банк амалдаги қонунчилик билан тақиқланган лойиҳаларни молиялаштирмайди ва Банк низомида кўзда тутилмаган шубҳали лойиҳаларда иштирок этмайди.

80. Банк қасддан ёки эҳтиётсизлик оқибатида банкни жиноий фаолиятга жалб этилишига, Банк устав капиталига жиноий капиталнинг кириб келишига, шунингдек, Банкни бошқаришга жиноятчи шахсларнинг кириб қолишига йўл қўймаслик учун энг қатъий чораларни кўради.



81. Жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни ва оммавий қирғин қуролни тарқатишни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисидаги қонунчиликка сўзсиз амал қилишни таъминлаш бизнесни юритиш соҳасида ҳам, ички назоратни амалга оширишда ҳам банк фаолиятининг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

82. Банк ходими жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашда фаоллик билан иштирок этади.

7-боб. Ахборотдан фойдаланиш

1-§. Махфийлик

83. Ходимлар ўз хизмат вазифалари доирасида банкка, ҳамкасбларига, мижозлари ёки контрагентларига тааллуқли бўлган ва ошкор этилмайдиган (махфий) ахборотлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиши мумкин. Шу боис ходимлар ошкор этилмайдиган ахборот ишончли тарзда ҳимояланиши учун бўлинмалар ўртасидаги ахборот чекловларига амал қилишга мажбурдирлар.

84. Банк мижозлар ҳақидаги барча ахборотларни қатъий тарзда махфий, деб билади.

85. Банк ходимлари мижознинг махфий ахборотини учинчи шахсларга ошкор этмаслиги керак. Мижознинг олдиндан берилган ёзма розилиги ёки қонун билан белгиланган тартибдаги ўрнатилган ҳолатлар бундан мустасно.

86. Банк ходимлари ўртасида мижознинг махфий ахбороти алмашинуви фақатгина бунга зарурат юзага келганда ва қонунчиликка мувофиқ тарзда амалга оширилади.

87. Бошқа ишга ўтаётган ходимлар банкнинг махфий-ошкор этилмайдиган ахборотини сақлаши лозим.

88. Банк ходимларининг таркиби, ички тузилмаси, операцион тартиб-таомиллар, пул оқимлари ҳақидаги хизмат ахбороти, умумфойдаланиши мумкин бўлган ахборотдан ташқари, махфий характерга эга. Банк ходими махфий ахборотни ошкор этмаслик ҳақидаги мажбуриятни ўз зиммасига олади.

2-§. Ахборотни ошкор қилиш

89. Банк ўз фаолияти ҳақидаги ахборотнинг ошкор этилишини Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ишончлилик, мунтазамлилик, уни тақдим этишнинг тезкорлиги ўртасидаги мувозанат, манфаатлар ва ахборот махфийлигига амал қилиш каби тамойиллар асосида таъминлайди.

90. Банк ходимлари хизмат ахборотининг сақланишини таъминлайдилар.

91. Мижозлар, ҳамкорлар, контрагентлар томонидан тақдим этиладиган ахборотлар ҳажми Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, мазкур Кодекс ва банкнинг Ахборот сиёсатига ва бошқа ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

3-§. Банк фаолиятининг барча иштирокчиларини ҳимоя қилиш

92. Банк ходимлари, мижозлари, ҳамкорлари ва фаолиятининг бошқа иштирокчиларини ишончли тарзда ҳимоя қилишга қаратилган хавфсизлик тизимини яратиш учун барча чораларни кўради.

93. Банк иштирокчиларнинг, шу жумладан мижозлар, ҳамкорлар, банк ходимлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун барча саъй-ҳаракатларни амалга оширади.

94. Банк ходими банкнинг ишчанлик обрўси, бошқа моддий ва номоддий манфаатларига, унинг шўъба ва бошқа тузилмаларига, мижозларига, ҳамкорларига ва барча иштирокчиларига зарар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай фаолиятни инкор этади.



95. Кенгаш, Бошқарув ва бошқа ходимлар томонидан банкнинг мулкига зарар етказилишини олдини олиш учун операцияларни бажаришда назорат бўғинлари ва ваколатлари тақсимоти орқали таъминланади. Банк мулкига зарар етказилиш ҳолатлари аниқланган тақдирда банк ходимларидан етказилган зарар белгиланган тартибда ундириб олинади ва меҳнат қонунчилигига асосан чоралар кўрилади.

4-§. Ҳисобот ҳужжатларининг ишончлилиги

96. Банк ва унинг барча тузилмавий бўлинмалари бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот ҳужжатларида акс эттириладиган маълумотларнинг тўлиқлиги, аниқлиги ва ишончлилигини таъминлайди.

97. Банк ўтказилаётган барча операцияларни бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот ҳужжатлари талабларига қатъий мувофиқликда акс эттиради, шу жумладан қалбаки бирламчи бухгалтерия ҳисоби ҳужжатларнинг расмийлаштирилишига, нотўғри бухгалтерия амалиётлари бажарилишига, йўл қўймайди.

98. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ҳужжатларини юритиш тамойиллари бузилгани, шу жумладан пул маблағларининг камомади, банкнинг ҳисобга олинмаган мулки тўғрисидаги маълумотларга эга бўлган банк ходими зудлик билан бу ҳақда барча имкони бўлган алоқа тизими орқали бевосита раҳбари ва банкнинг Комплаенс назорат департаментига хабар бериши шарт.

8-боб. Кодексга риоя этишни назорат қилиш тизими

99. Банк ва унинг ходимлари томонидан мазкур Кодексда кўзда тутилган қоидалар ва тартиб-таомилларга риоя этишни назорат қилиш тизимини яратиш Банк Бошқаруви ва Кенгаши зиммасига юклатилади.

100. Акциядорлар, кредиторлар, миждозлар, ҳамкорлар, контрагентлар ва бошқа иштирокчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда, Банк ўз фаолиятини Корпоратив Этика Кодекси қоидаларига мос келишини доимий равишда мониторинг қилиб боради.

101. Мазкур Кодекс талабларини бузган шахсларга нисбатан интизомий жазо чоралар кўрилади.

102. Кодекс қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик чораларини кўриш бўйича тақлиф киритиш Корпоратив этика комиссияси томонидан амалга оширади. Комиссия тўғрисидаги Низом Банк Бошқарувининг қарори билан тасдиқланади.

103. Банкнинг мансабдор шахслари уларга ишониб топширилган масъулият доирасида Кодекс нормаларининг қўлланилиши ва мувофиқлигига масъулдирлар. Раҳбарлик лавозимларини эгаллаб турган ходимлар, шу жумладан, Бошқарув аъзолари, Кодексга амал қилишда бошқаларга ўрнак бўлишлари керак.

9-боб. Яқуний қоидалар

104. Мазкур Кодекс банкнинг ички меъёрий ҳужжати бўлиб, барча тоифадаги ходимлар томонидан бажариш учун мажбурийдир.

105. Банк мазкур Кодексни такомиллаштириб боради ва Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги, банк Низоми, шунингдек, халқаро корпоратив амалиёт томонидан шакллантириладиган корпоратив этика стандартлари ўзгарган тақдирда, уни қайта кўриб чиқади. Кодексга ўзгаришлар ва қўшимчалар Банк Кенгашининг қарори асосида киритилади.

106. Мазкур Кодекс қабул қилиниши билан банк Кенгашининг 2017 йил 24 мартдаги 7-сонли қарори билан қабул қилинган «Namkorbank» АТБнинг Корпоратив этика Кодекси ўз кучини йўқотган ҳисобланади.





Хуқуқшунос

Комплаенс назорати ва мониторинги бошлиғи

Ходимларни уқитиш ва ривожлантириш бўлими бошлиғи

И.Салиджанов

У. Ваққосов

А. Аскарлов

Мазкур ҳужжат лойиҳаси “12” 10 2021 да банкнинг электрон ҳужжат айланиши тизими орқали Ички меъёрий ҳужжатларни кўриб чиқиш ишчи гуруҳи билан келишилган.

Ишчи гуруҳи котиби,
Методология сектори мутахассиси



**““Hamkorbank” АТБнинг Корпоратив этика Кодекси
лойихаси юзасидан**

ЮРИДИК ХУЛОСАСИ

10 сентябрь 2021 йил

Андижон шаҳри

Мен, “Hamkorbank” АТБ Юридик хизмат бошлиғи И.Салиджанов,
““Hamkorbank” АТБнинг Корпоратив этика Кодекси лойихасини кўриб
чиқиб, ҳуқуқий экспертизадан ўтказганимда, қуйидагилар аниқланди.

Мазкур меъёрий ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва
банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Адлия
вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнь куни 3254-сон билан рўйхатга
олинган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг “Тижорат
банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”ги Низоми, «Hamkorbank» АТБ
Устави асосида ишлаб чиқилган.

Ушбу ички меъёрий ҳужжатни ўрганиш жараёнида юқорида қайд
этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат талабларига зид келадиган нормалар
мавжудлиги кузатилмади.

Қайд этилганларга асосан Корпоратив этика Кодекси лойихасини
банкнинг бошқа таркибий тузилмалари томонидан кўриб чиқилиши мумкин
деб ҳисоблайман.

**“Hamkorbank” АТБ Юридик
хизмати бошлиғи**

И.Салиджанов